

Банкларда очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди

(6-7-бетларда ўқинг).

Мулкни хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш йўлида.....2

Ўзбекистонда кичик бизнес ривожини — 2014 йил якунлари.....9

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 10 (981), 2015 йил 11 март

www.banknews.uz

● Сайлов – 2015

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Каэтана де Зулуэта раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов комиссиянинг ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси билан ҳамкорлиги самарали ривожланаётгани ва бу ижобий натижалар бераётганини таъкидлади.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссиясининг ЕХХТ расмий веб-сайтида 24 февраль куни эълон қилинган якуний ҳисоботида Ўзбекистонда 2014 йилда бўлиб ўтган парламент сайлови юқори савияда ташкил этилгани, Марказий сайлов комиссияси ошкораликни таъминлаш ва жамоатчиликни сайлов ҳақида батафсил хабардор қилиш бўйича самарали ишларни амалга оширгани қайд этилган. Шунингдек, ҳисоботда Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг айрим тавсиялари инobatга олингани, сайловолди ташвиқоти ва овоз бериш тартиб-таомиллари га тааллуқли янада аниқ қоидалар жорий қилингани таъкидланган.

ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси аъзолари Марказий сайлов комиссия-

сининг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлари билан таништирилди.

Миссия раҳбари, элчи Каэтана де Зулуэта айни пайтда ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Фарғона ва Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётгани ҳақида маълум қилди. Миссия аъзолари сиёсий партиялар вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари, шунингдек, вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашувлар ўтказмоқда.

Учрашув давомида томонлар ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси фаолияти сайлов жараёнининг очиқлик ва ошкоралигини таъминлаш, уни халқаро стандарт ҳамда нормаларга мувофиқ ташкил этишга кўмаклашишига ишонч билдирди.

ЎЗА материали асосида.

Тадбиркорликда тенгсиз хотин-қизлар

банк тизими томонидан кредитлар орқали фаол қўллаб-қувватланмоқда



Пойтахтимизда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан республикамизда хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш ва тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур

шарт-шароитларни яратиш йўлида олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни тобора юксалиб бораётгани, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаоллиги ошаёт-

гани, уларнинг ўз салоҳиятини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани, айниқса, қишлоқ ҳудудларида хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали уларни иш билан таъминлашда банклар фаол иштирок этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

(Давоми 2-бетда).

Тошкентда «BankExpo-2015» кўرғазмаси иш бошлайди

Шу йилнинг 12 март куни пойтахтимиздаги «Ўзкўрғазмасавдо» маркази кўрғазмалар мажмуасида «BankExpo-2015» – банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари VIII миллий кўрғазмаси очилади.

Мазкур кўрғазма 2008 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳамда Ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари Ассоциацияси ҳамкорлигида анъанавий равишда ўтказилиб келинмоқда.

«BankExpo» кўрғазмасининг ҳар йили ташкил этилиши республика молия-банк тизими ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бирига айланди. Кўрғазма Ўзбекистон банк соҳаси мутахассислари билан ўзаро мулоқот ўрнатиш ва мустақиллик йилларида со-

ҳада амалга оширилган ишлар ҳамда уларнинг натижаларини намоёиш этиш имконини бермоқда.

«BankExpo-2015» – банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари VIII миллий кўрғазмасида юртимиздаги барча тижорат банклари, етакчи суғурта ва лизинг компаниялари, банк-молия соҳаси учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий ишланмаларни етказиб берувчи корхоналар иштирок этади.

Назира МАВЛОНОВА.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 10 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1901,48	1 Канада доллари	1960,15	1 Норвегия кронаси	313,22	1 евро	2749,98
1 Англия фунт стерлинги	3725,07	1 Хитой юани	394,66	1 Польша злотийси	648,52	10 Жанубий Корея вони	22,27
1 Дания кронаси	359,84	1 Кувайт динори	8292,55	1 Сингапур доллари	1789,61	10 Япония иенаси	204,31
1 БАА дирҳами	673,11	1 Россия рубли	41,21	1 СДР	3441,40	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2472,34	1 Украина гривнаси	107,98	1 Туркия лираси	940,98		
1 Миср фунти	324,03	100 Ливан фунти	164,82	1 Швеция кронаси	292,05		
1 Исландия кронаси	18,04	1 Малайзия ринггити	670,83	1 Швейцария франки	2507,44		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 2472,34 – (2466,86)

1 EUR ▼ 2749,98 – (2792,50)

1 GBP ▼ 3725,07 – (3798,47)

10 JPY ▼ 204,31 – (205,81)

ISLOHOTLAR YO'LIDA

Мулкни хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш йўлида

Тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Жаҳон банки гуруҳи ва Халқаро молия корпорацияси экспертлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Давра суҳбатида икки йўналишдаги масалалар кўриб чиқилди. Биринчи йўналиш халқаро стандартлар, хусусан, Корея, Германия ва Малайзия тажрибасидан келиб чиққан ҳолда давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарда бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий жиҳатлари ва қонунчиликнинг аҳамиятига бағишланган бўлса, иккинчи йўналиш бўйича, хусусийлаштириш ва хусусий сектор иштирокининг бошқа шаклларида доир масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг

Пойтахтимиздаги Халқаро бизнес марказда Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари билан биргаликда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва давлат мулки улуши мавжуд корхоналарни хусусийлаштириш масалаларига доир давра суҳбатни ташкил этилди.

муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Президентимиз иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва корпоратив бошқарув тизимининг тамойил ва ёндашувларини тубдан ўзгартириш муҳим масала эканини таъкидлаб ўтганди.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари иқтисодиёт тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самарадорлигини, яъни «иқтисодиётда давлат иштироки»ни ҳар томонлама танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт тармоқларида хусусий сектор иштирокини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича вазифаларимизни белгилаб олиш вақти

келганини, иқтисодиётимизда давлатнинг иштироки қай даражада эканини танқидий баҳолаш, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартириш зарурлигини алоҳида қайд этганди.

Бу каби вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида Давлат рақобат кўмитаси томонидан бугунги кунда корпоратив бошқарув тизимининг тамойил ва ёндашувларини тубдан ўзгартириш бўйича чоралар Дастури ишлаб чиқилмоқда. Мазкур дастурда энг яхши чет эл тажрибаси ва халқаро стандартлар асосида корпоратив менежментнинг замонавий услубиятларини жорий этиш, бошқа-

рувчининг профессионал даражаси ва салоҳиятини ошириш, юқори малакага эга хорижий менежерларни таклиф этиш, хусусий мулк ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш, хусусан, уларнинг корхона фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилашдаги ролини ошириш назарда тутилган.

– Мустақиллик йилларида давлат мулкни хусусийлаштириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди, – дейди **Давлат рақобат кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Алишер Миралиев.** – Жумладан,

ҳозирги кунга қадар 100 мингдан ортиқ давлат мулки хусусийлаштирилди. – Мулкни хусусийлаштириш давлат тасарруфидаги объектларни акциядорлик жамияти ва масъулияти чекланган жамиятларга айланттириш йўли билан амалга оширилади. Ҳозирда ушбу соҳанинг хўжалик субъектлари ўз фаолиятини эркин юритиши учун республикамизда етарли норматив-ҳуқуқий база яратилган. Мазкур ҳуқуқий база миллий моделимизга мос равишда ҳамда халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, кўмита томонидан хўжалик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг халқаро тажриба ва стандартларига асосан корпоратив менежментнинг янги принцип ҳамда ёндашувларини жорий этиш бўйича ҳам бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Рашид МИРЗАКАРИМОВ.

Тадбиркорликда тенгсиз хотин-қизлар

банк тизими томонидан кредитлар орқали фаол қўллаб-қувватланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимиз Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниши юртимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга, хотин-қизларнинг банк хизматларидан янада кенгроқ фойдаланишларига, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларнинг банклардан микрокредитлар олишларида ҳар томонлама қулайлик ва шарт-шароитлар яратди.

Мазкур фармон ижросини таъминлашга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда қатор чора-тадбирлар – хотин-қизларни иш билан таъминлаш, аёллар тадбиркорлигининг барча шаклларида ривожлантириш, уларга ҳар томонлама молиявий кўмак бериш, ҳуқуқий билимларини ошириш, инвестицияларни жалб этиш, хорижий тажрибалар билан танишиш ҳамда тижорат банкларининг имтиёзли кредит маблағлари эвазига тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Бунинг самараси ўлароқ, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадида юқоридаги фармон қабул қилингандан буён тижорат банклари томонидан 3 трлн. 200 млрд. сўмдан зиёд кредитлар ажратилди.


Тижорат банклари томонидан биргина 2014 йилнинг ўзида тадбиркор аёлларга салкам 1 трлн. сўмга яқин кредитлар ажратилиб, 2013 йилга нисбатан ушбу кўрсаткич қарийб 1,4 баробарга ўсиши таъминланди.

Бу ўз навбатида, мамлакатимизда-

ги минглаб аёлларнинг мустақил фаолият бошлашларига, даромад манбаига эга бўлишларига, оилаларнинг бюджети янада шаклланишига ва турмуши фаровонлашишига хизмат қилмоқда.

Тижорат банкларининг мазкур маблағларни ажратишда қишлоқ жойларида аёллар томонидан бошқарилаётган, уларнинг меҳнатидан фойдаланаётган кичик корхоналарни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва

Тижорат банклари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитлар



қайта ишлашни рағбатлантириш, касаначилик ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аҳамиятлиси, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилаётган мазкур кредит маблағлари минглаб аёлларнинг бизнес лойиҳаларини амалга оширишларига имконият яратмоқда. Бу эса, қўллаб-қувватлаш янги иш ўринлари яратилишига ҳам замин ҳозирламоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган жами тадбиркорларнинг 35, фермерларнинг эса 10 фоизини аёллар ташкил этади. Ўзбекистонда 200 мингга яқин тадбиркор аёл расман рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият олиб бормоқда, 300 мингга яқин аёллар эса мустақил иш юритмоқда.

– Мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш юзасидан банк тизими томонидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда, – дейди **«Тадбиркор аёл» уюшмаси раиси Гулнора Маҳмудова.** – Тижорат банкларининг кредит маблағлари натижасида қишлоқ жойларида замонавий гўзаллик салонлари, тикув цехлари, оилавий корхоналар сони кўпаймоқда. Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити самарасида ўтган йил давомида 200 мингдан зиёд опа-сингилларимиз иш билан таъминланди. Бундан ташқари, уй-жойлар сотиб олиш учун ёш оилаларга 234 млрд. сўм кредитлар ажратилганлиги ҳам аёлларимизнинг оғирини енгил қилишда катта имкониятлар яратмоқда. Жорий йилда ҳам банк тизимининг ушбу йўналишга эътибори юқори бўлиб,

1 трлн. сўмдан зиёд кредитлар айнан аёлларимиз тадбиркорлиги учун берилиши кўзда тутилган.

Марказий банк томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда кичик тадбиркорлик субъектларини микрокредитлашга оид меъёрий-ҳуқуқий база яратилиб, микрокредитлаш тартиблари анчагина соддалаштирилганлиги тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, тадбиркор аёлларга фаолиятини ривожлантириш учун зарур молиявий ресурслар олишида қулайликлар туғдирмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган йилда тижорат банклари фаолиятида аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш масаласи ҳам алоҳида эътиборда бўлди. Жумладан, улар томонидан маиший электр жиҳозлари ишлаб

чиқариш ҳажмини ошириш орқали аёлларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва кундалик уй меҳнатини енгиллаштириш мақсадида маҳаллий уй-рўзгор буюмларини сотиб олишлари учун 57 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан Хотин-қизлар кўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирокида жорий йилда хотин-қизларга, айниқса, ёш оилаларни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилган қулай шарт-шароитлар ва рағбатлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳиятини жойларга етказиш мақсадида республиканинг энг чекка, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларида семинарлар ташкил этилди. Ушбу амалий семинарлар тадбиркор аёлларнинг, шу жумладан, ўз бизнесини ташкил этиш истагида бўлган аёлларнинг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан яратилган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишларига хизмат қилди.

Мухтасар айтганда, нозик елкаларида ҳам оила ишлари, ҳам раҳбарлик масъулиятини кўтариб, тадбиркорлик фаолиятини мамнуният ва фахр туйғуси билан олиб бораётган замонавий тадбиркор аёлларнинг ўз фаолиятларида юксак натижаларга эришишида банк тизими томонидан амалга оширилаётган кенг қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

BANK FAOLIYATI

Янги омонатлар жорий этилди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки яқинлашиб келаётган Наврўз айёми муносабати билан кенг аҳоли эътиборига «Нафосат» номли янги омонат турини ҳавола қилди.

Миллий валютадаги мазкур муддатли депозитга мижозлар ўз омонатларини 3 ой муддатга жалб қилиши ва 500 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда (фақат нақд пулда) қўшимча маблағ киритиб бориши мумкин.

«Нафосат» омонати бўйича ҳисобланган фоизлар бўнак сифатида олинган ёки депозит муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясиз тўланади.

Омонат тартибига кўра, маблағлар 2015 йилнинг 1 июнига қадар қабул қилинади.

Шунингдек, шу кунларда «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки томонидан ҳам янги турдаги ютуқли омонат жорий қилинди. «Юбилей» дея номланган ушбу муддатли депозитда аҳоли маблағларини сақлаш даврийлиги 3 ой этиб белгиланган. Ушбу омонатга йиллик устама тўланиши билан бирга у бўйича ютуқлар тиражи ҳам ўтказилади.

«Юбилей»га маблағларни қабул қилиш жорий йилнинг 1 майгача амалга оширилади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

Банк бизнесидаги барқарорлик

«Asia Alliance Bank» акциядорлик-тижорат банки молия бозорининг ёш ва инновацион муассасаси сифатида самарали фаолият юритиб, ўзига хос ютуқларга эришмоқда.

Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг соф активлари 1 трлн. 130 млрд. сўмни, кредит портфели 445 млрд. сўмни, аҳоли омонатлари қолдиғи 600 млрд. сўмни ташкил этди. Бундай юқори кўрсаткичлар бир томондан, банк фаолиятининг ривожланганлик даражаси ва рақобатбардошлигини ифода қилса, иккинчидан, халқаро ва миллий тамойилларга асосланган кредит рейтингини юқорилик

лаш борасида давлат миқёсидаги ислохотлар ижросида ҳам фаол иштирок этиб, мижозларнинг ипотека, истеъмол ва таълим кредитларига бўлган талабини қондириб келмоқда. Ушбу мақсадларда ажратилган кредитлар бугунги кунга келиб 2 млрд. сўмдан ошди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида инфратузилмалар кенглиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, «Asia Alliance Bank» АТБ маркетинг сиёсати-

қилишларида анчайин кўл келмоқда.

Халқаро пул жўнатмалари бўйича ҳам банк фаолияти тобора ривожланмоқда. Айни пайтда ушбу йўналишда муассаса кенг аҳоли қатламига «Азия Экспресс», «Western Union», «Золотая Корона», «Anelik», «MoneyGram», «Лидер», «Caspian Money Transfer» каби йирик тизимлар бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, банк чакана хизматлари қаторида депозит ячейкалари ҳам алоҳида ўрин тутмоқда.

«Asia Alliance Bank» АТБ етакчи хорижий ва маҳаллий молиявий институтлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириб бормоқда. Бугунги кунда Commerzbank AG (Германия), Landesbank Baden-Württemberg (Германия), Development Bank of Singapore (Сингапур), Kookmin Bank (Корея), UBS (Швейцария), Bank of China (Хитой), Agricultural Bank of China (Хитой), Банк ВТБ (Россия) каби жами 18 та (уларнинг 14 таси хорижий) йирик муассаса билан корреспондентлик алоқалари мавжуд.

Бундан ташқари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида банк Хусусий секторни ривожлантириш Ислохот корпорацияси билан ўзаро меморандум имзолаган. Ушбу соҳага узоқ муддатли хорижий кредит линияларини жалб қилиш мақсадида Германиянинг Landesbank Berlin AG (LBB) ва Landesbank Baden-Württemberg каби кредит ташкилотлари билан кредит битимини имзолаган.

Назира МАВЛОНОВА.

Нақд пулсиз тўловлар ҳажми ортмоқда

Республикамиз тижорат банкларида пластик карталарни аҳоли ўртасида янада оммалаштириш, шу асосда ҳисоб-китоб амалиётларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил давом эттирилди.

Бу борада муассасаларга Президентимизнинг 2010 йил 19 апрелдаги «Банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1325-сонли Қарори дастуриламал бўлмоқда.

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкида ҳам пластик карталар тизими бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Банк мутахассислари ушбу восита асосидаги хизматларни такомиллаштириш, янги инновацион хизматларни жорий қилиш борасида мунтазам излашлар олиб бормоқда. Саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, муассаса пластик карта-



ларига бўлган қизиқиш ортмоқда. 2014 йил давомида «Микрокредитбанк» томонидан 122 мингта пластик карта муомалага чиқарилиб, уларнинг сони жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига 706 мингтага етказилди (шундан, «On-line» пластик карталар сони 300 мингтага ташкил этади), жойларга ўрнатилган терминаллар сони 11 минг-

дан ортди. Шунингдек, ҳозирда банкка тегишли бўлган 23 та инфокиоск ва 10 та банкомат ҳам самарали ишлаб турибди.

2014 йил давомида банк пластик карталари орқали 1,1 трлн. сўмдан зиёд тўловлар амалга оширилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 391 млрд. сўмга кўпайди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Истиқболли лойиҳалар — тараққиёт омили

Жиззах вилоятида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, хусусан, саноат соҳасини ривожлантириш, корхоналарни модернизация қилиш орқали маҳсулот ҳажми ва сифатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирлар ҳудудларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Жиззах вилоятида ҳам бу борада истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, ишлаб чиқарувчилар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётир. Хусусан, ўтган йили вилоятда ишлаб чиқарилган 1 трлн. сўмлик саноат маҳсулотининг 38 фоизи ҳудудий корхоналар улушига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 октябрдаги 2013-2016 йилларда Жиззах вилояти саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури ижроси соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Дастур доирасида 331 млрд. сўмлик маблағ ўзлаштирилиб, 237 лойиҳа амалга оширилди. 195 янги корхона ташкил этилиб, 42 корхона модернизация қилинди. Бунда банк кредитлари кўл келмоқда.

Ўтган йили Фаллаорол туманидаги «Наргизатекс» масъулияти чекланган жамияти «Алоқабанк» АТБнинг Жиззах вилояти филиалидан олинган 2 млрд. 500 млн. сўмлик кредит ҳисобидан кунига 6 минг дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш қувватига эга янги тикувчилик корхонасини ишга туширди. Хориждан

келтирилган замонавий тикув машиналари, дизайн ва андоза олиш, гул, нақш солиш ускуналари билан жиҳозланган корхонада 170 иш ўрни яратилди. Жорий йилда корхона маҳсулотини экспортга чиқариш мўлжалланмоқда.

«Jizzax jun», «Mir Ulug'bek», «Plaza milk», «Forish eko sanoat», «Aргali», «Tabiiy qazilma» масъулияти чекланган жамиятларида жун, сут, ковулни қайта ишлаш, пайпоқ, кир ювиш воситалари ва қурилиш куми ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 45 фоизини халқ истеъмоли моллари ташкил этмоқда. Янги лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши самарасида ўн бешга яқин янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва уч ярим мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, вилоятда саноатни ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган режага кўра, 2015 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 113 фоизга ошириш мўлжалланмоқда. Келгуси беш йилда жами қиймати 1 трлн. 746 млрд. сўмлик 1 минг 108 саноат лойиҳаси амалга оширилади. Мазкур истиқболли дастур доирасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун соҳада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

ЎЗА материали асосида.



гини билдиради. Шу ўринда таъкидлаш жоиз, бугунги кунда банк «Moody's Investors Service» ва «Ахбор-Рейтинг» каби хорижий ва миллий рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳоларига эга. «Asia Alliance Bank» АТБ фаолиятида иқтисодий тармоқларини кредитлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш алоҳида ўрин тутди. 2014 йилда муассаса 561 млрд. сўмлик кредит ажратди, шундан 44,7 фоизи саноатга, 28,5 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтирилди. Кичик бизнес соҳасига 296 млрд. сўмлик сармоя ажратиб, бир неча юзлаб янги иш ўринларининг яратилишига ҳисса қўшди.

Банк, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя-

да ушбу масалага жиддий эътибор қаратилиб, унинг янги бўлинмалари ишга туширилмоқда. Замонавий биналарга мос равишда жозибador банк хизмати ва маҳсулотлари жорий қилиниб, муассасанинг расмий веб-сайти такомиллаштирилиб борилмоқда.

Бугунги кунда банкда аҳолидан хорижий ва миллий валютадаги 15 та омонатлар бўйича маблағлар қабул қилинмоқда. 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мазкур муддатли ва жамғарма омонатларга жалб қилинган маблағлар 10,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Омонатчилар учун ишга туширилган банк веб-сайтидаги «Шахсий кабинет» хизмати, уларнинг ўз шахсий ҳисобварағидаги маблағларни назорат

BANK VA MIJOZ

Корхоналар ривожиди банкнинг кўмаги

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 4053-сонли Фармони иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш ва модернизацияланга банк инвестицияларини йўналтиришда муҳим омил бўлаётир.

Мазкур фармонда паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлашда тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш белгиланган. Молиявий хиз-

лотлар мамлакатимиздаги кўплаб савдо дўконларида сотилмоқда.

Шунингдек, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги «Каст» кўшма корхонаси ҳам банк молиявий кўмаги билан корхона негизиди мармар ва гранит плиталари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Газалкент Гранит» масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди. Сўнгра



матлар эвазига саноат соҳасига замонавий технологиялар жалб этилиб, бу орқали маҳсулотларнинг рақобатбардошлик сифати ҳамда ҳажми тобора ортиб бормоқда.

Бу каби молиявий хизматлар бозориди «Ипотека-банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва уларда ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида юз фоизлик инвестиция улуши билан 12 та корхона банк балансида қабул қилиниб, мазкур корхоналарда молиявий соғломлаштириш ишлари амалга оширилди.

Хусусан, «Ипотека-банк» АТБнинг 6,2 млн. АҚШ долларида зиёд инвестицияси ҳисобига банкротлик сабаб ўз фаолиятини тўхтатган Хоразм вилоятидаги «Шовоттекс» кўшма корхонаси ўрнида замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Катқалъатекс» МЧЖ ташкил этилди.

Амалга оширилган тадбирлар самарасида қирққа яқин малакали ходимлар ўз иш жойига қайтарилди. Шу билан бирга, 200 дан ортиқ янги иш ўрни барпо этилган ушбу корхона йилига 10,5 млн. дона пайпоқ ва 780 минг дона трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга. Ҳозирда «Катқалъатекс» белгиси билан харидорларга таклиф этилаётган маҳсу-

корхона мол-мулки «Азия Гранит Инвест» масъулияти чекланган жамиятига сотилиб, бу ерда 40 дан зиёд иш ўрни яратилди.

– «Ипотека-банк» инвестицияси эвазига ташкил этилган «Газалкент Гранит» корхонасини ўз балансимизга олдик, – дейди «Азия Гранит Инвест» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Алишер Ақромов. – Ишлаб чиқаришда яратилган имтиёз ва имкониятлар, аynиқса, солиқ имтиёзлари янги корхонанинг оёққа туришида сезиларли кўмак бўлди. Даромад солиғи, ягона, мол-мулк ҳамда ер солиғи тўлашдан уч йил муддатга озод этилганимиз ва мазкур маблағлар модернизация ишларига йўналтирилгани ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ортмоқда. 2013 йилда 2,5 млрд. сўмга тенг маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ўтган йилда бу кўрсаткич 3,5 млрд. сўмдан ошди. Келажақда корхона фаолиятини кенгайтириш эвазига ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириб, тайёр маҳсулотларни экспортга чиқаришни режалаштирмоқдамиз.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда тижорат банкларининг молиявий кўмаги эвазига фаолияти қайта тикланаётган, иқтисодий барқарор, рақобатдош корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва сифати ортиб, халқимиз турмуш даражаси янада юксалмоқда.

Ёрқин ОЧИЛОВ.

«BankExpo-2015»: сирдарёлик ишбилармонлар эътиборида

Банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари миллий кўрғазмасининг худудий босқичлари давом этмоқда. Хусусан, жорий йилда Сирдарё вилояти аҳолисининг қарийб 3,5 мингга яқини банк-молия тизимига оид янгиликларга қизиқиш билдирди.

Вилоятда ишбилармонлик муҳити ва инвестиция иқлимни яхшилаш борасидаги ишлар кенг кўламда амалга оширилиб, унда тижорат банклари фаол иштирок этмоқда. Ўз навбатида, минтақадаги кичик бизнес вакиллари ҳам молия муассасалари томонидан яратилган шарт-шароитлар, имтиёз ва преференциялардан унумли фойдаланиш чораларини кўрмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунга келиб, банк инфратузилмаси жуда ривожланган. Республикаимизнинг исталган жойида банк тизимига доир амалиётларни бажариш мумкин. Аҳолининг барча қатламлари қамраб олган банк-молия хизматлари эса, аynи дамда миждозлар талаби ва хоҳиш-истакларини қаноатлантириб, улар олқишига сазовор бўлмоқда.

– Бугун банклар ҳар жиҳатдан мукамал тарзда фаолият юритмоқда, – дейди сирдарёлик яқка тартибдаги тадбиркор А.Норматов. – Биринчи навбатда, уларнинг замон талабларига жавоб бера оладиган бинолари киши эътиборини тортади. Замонавий жиҳозланганлик даражаси, миждозлар учун яратилган шарт-шароитлар эса таҳсинга лойиқ. Тадбиркорлар ўртасида кўпроқ банклар-

нинг кредит хизматлари тилга олинади. Хоҳ ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ хизмат кўрсатиш молия муассасалари корхоналарининг бошланғич сармояларидан тортиб, айланма маблағларни шакллантиришгача бўлган эҳтиёжларини қондириб келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юқорида таъкидланганидек, вилоят банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳам молиявий таянчи, ҳам яқин ҳамкори сифатида худуддаги ишбилармонлик муҳитини тараққий эттиришга муносиб ҳисса кўшмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда тижорат банкларининг мазкур минтақа филиаллари томонидан айнан тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредит маблағлари 6 баробардан ошди.

«BankExpo-2015» кўрғазмасига ташриф буюрганлар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил қилиб, улар ҳам банкларнинг айнан кредит хизматларига хайрихоҳлик билдирди. Кредитлаш шартлари, механизмлари ва бу борада яратилган имтиёзлар билан яқиндан танишди. Банк пластик карталари турлари ва улар асосида амалда бўлган замонавий хизматлар бўйича кўникмаларини бойитди. Бундан ташқари, кўрғазмада ёш оилалар учун

ҳам кўплаб янгиликлар намойиш этилди. Улар ўртасида, аynиқса, «Камолот» уйлари бўйича берилган ахборот муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу билан бирга, тадбирда иштирок этиш учун касбхунара коллежлари битирувчилари ҳам жалб қилинди. Улар учун кўрғазма доирасида бизнес сабоқларини шакллантириш юзасидан турли семинарлар ташкил этилди. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоиз, 2014 йилда вилоят банклари томонидан коллеж битирувчиларининг тадбиркорликка оид лойиҳаларини молиялаштиришга ўтган йилга нисбатан 1,3 баробардан зиёд, яъни 5,3 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилган.

Кўрғазма доирасида тижорат банклари томонидан чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш микрофирмалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда ёш тадбиркорлар ўртасида ўтказилган танлов натижалари эълон қилиниб, 65 нафар ғолибга 388 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Наргиз АХМЕДОВА.

Замонавий уйларга талаб юқори

Кейинги йилларда Сурхондарё вилоятида 3 минг 734 намунавий лойиҳа асосидаги замонавий уй-жой барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Яқка тартибдаги янги турар жой массивлари учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки вилоят минтақавий филиали уч минг уч юздан ортиқ фуқарога имтиёзли ипотека кредити ажратди.

Қишлоқларда бунёд этилган юзга яқин янги уй-жой массивлари вилоят қиёфасини тубдан ўзгартириб, аҳолининг кўркам ва шинам уйларда, барча қулайликларга эга замонавий маҳаллада осойишта, фаровон турмуш кечириш борасидаги орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Кўркам массивларда кенг ва равон йўллар, ижтимо-

ий инфратузилма объектлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилаётгани, табиий газ, тоза ичимлик суви, электр энергияси билан таъминланиб, коммуникация тармоқлари барпо этилаётгани шаҳарниқидан қолишмайдиган шароитларга эга бундай уйларга одамларнинг интилишини кучайтирмоқда.



Ипотека кредитлари ажратиш ва солиқ тўловларида имтиёзлар қўлланилаётганидан аҳоли мамнун. Хусусан, имтиёзли ипотека кредити олган жисмоний шахслар ва шерик қарздорлар учун

OBOD MANZILLAR

ТИФ Миллий банки: замонавий қишлоқлар бунёдкори

Аҳоли фаровонлиги ва даромадларининг ошиши жамиятимизда уй-жойга бўлган талабнинг ўсишига олиб келмоқда. Барча йўналишдаги масалалар ечими босқичма-босқич ҳал этилаётган юртимизда янги турар жой массивларини бунёд этиш вазифаси ҳам ўз вақтида самарали йўлга қўйилди.



Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 17 июндаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1354-сонли Қарори асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида 3, 4 ва 5 хонали уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда.

Мазкур қарор моҳиятида акс этганидек, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, у ерда ҳам шаҳарлардаги каби замонавий инфратузилмани шакллантириш, пировардида қишлоқ аҳолиси турмуш тарзини янада яхшилаш йўлидаги устувор вазифалар ижросида, жумладан, Ўзбекис-

тон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Муассаса «Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури»га 2013 йилдан жалб қилинган бўлиб, ана шундай уй-жойларнинг қурилиш-монтаж ишлари бўйича 2013-2014 йилга белгиланган режага мувофиқ, Осиё тараққиёт банки кредит линиялари ҳисобидан 486 млрд. сўм, аҳоли маблағлари ҳисобидан эса, 197 млрд. сўмлик молиялаштириш ишларини амалга оширди.

Шунингдек, 2014 йилда ушбу дастур дорасида банк республикамизнинг 25 та туман ва 41 та мас-

сивида 2019 та намунавий уй-жой қурилишини молиявий қўллаб-қувватлади. Бунинг учун жами 321 млрд. сўмлик маблағ ажратди, шундан 194 млрд. сўми узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бўлса, қолган қисми аҳоли маблағлари ҳисобланади.

Жорий йилда ҳам ТИФ Миллий банки юртимиз қишлоқлари бўйлаб бунёд этилаётган намунавий уй-жойлар қурилишида фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда 46 та массивдаги қурилиш ишлари учун жами 489 млрд. сўмлик кредит маблағи ажратди. Йил давомида фуқароларнинг бадал маблағлари ҳисобидан яна 167 млрд. сўмлик сармоя йўналтиришни кўзда тутган.

Таъкидлаш жоиз, ТИФ

Миллий банки намунавий уй-жойларга эга бўлаётган аҳоли учун қўшича қулайликлар яратиш мақсадида «Ҳисобли» номли омонатни жорий қилди. Депозит тартибига кўра, ҳозирда мазкур омонат бўйича ҳисобланган фоизлар ҳар ойда жисмоний шахснинг намунавий уй-жой қурилиши учун олган кредитининг фоизини тўлашга йўналтирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 15 ноябридаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2014 йил Дастури тўғрисида»ги 2068-сонли Қарорига асосан 2014 йилдан бошлаб тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш учун жисмоний шахсларга кредит маблағлари дастлабки 5 йил давомида йиллик 7 фоиз ва қолган 10 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 90 фоизи (бунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йилда амалда бўлган қайта молиялаш ставкаси)дан келиб чиқиб ўртача ҳисобланган йиллик фоиз ставкасида ажратилмоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлари ҳамда улар бўйича ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилган қисми даромад солиғи тўлашдан озод этилган. Шунингдек, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган яқка тартибдаги уй-жойларга эгалик қилган жисмоний шахслар ипотека кредитларини тўлиқ қоплагунча мулк солиғи тўламаслиги белгилаб қўйилган.

– Президентимизнинг 2015 йил 7 январдаги «2015 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши дастури ва 2016 йилги қурилишнинг асосий параметрлари тўғрисида»ги Қарори замонавий уйларнинг буюртмачилари учун янада энгилликлар яратди, – дейди «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки вилоят минтақавий филиали бошқарувчиси Илҳом Назаров. – Жумладан, шу йил бошига қадар ипотека кредитини расмийлаштиришда бир йиллик имтиёзли давр қўлланилган бўлса, мазкур қарор билан бу давр уч йилга узайтирилди.

Ўтган йили вилоятдаги 26 массивда 887 турар жой биноси ва қатор ижтимоий инфратузилма объектлари, сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. Термиз туманидаги Солиобод маҳалласида 80 ана шундай уй-жой қад ростлади. Замонавий массивда барпо этилган гузар ҳам маҳаллага ўзгача кўрк бағишлади. Янги гузарда барча қулайликларга эга маҳалла идораси, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, озик-овқат бозори барпо этилди. Иккита замонавий мини-футбол стадиони, болалар майдончаси ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук улғайтиришга хизмат қилаётди.

– 2014 йил бошида тўрт хонали уйга буюртма бергандик, – дейди ушбу маҳаллада истиқомат қилаётган Неъмат Хўжабеков. – «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамиятининг вилоят филиали билан шартнома тузгач, бизга умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш шарти билан уй-жой қурилишига ер ажратилди. Намунавий лойиҳа асосида қуриладиган уй учун бошланғич тўловни амалга оширгач, имтиёзли ипотека кредити расмийлаштирил-

ди. Ҳозир илгари хаёлимизга ҳам келтирмаган, шароитлари шаҳарникидан кам бўлмаган замонавий уйда яшамоқдамиз.

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамиятининг вилоят филиалидан олинган маълумотларга кўра, жорий йилда вилоятда яна 14 массивда 975 замонавий турар жой биноси бунёд этилади.

– Ёш оиламиз. Қишлоқларда қуриладиган янги уйлар бизда ҳавас уйготди, – дейди ангорлик Шокир Холбўтаев. – Шу йил қариндошлар билан маслаҳатлашиб, тўрт хонали уйга буюртма бердик. Уй учун сарфлангандиган маблағнинг бир қисмини бошланғич сармоя сифатида киритдик. Лойиҳа қийматининг қолган қисми ўн беш йил муддатга тижорат банкнинг имтиёзли ипотека кредити ҳисобидан қопланади. Қишлоқ аҳолиси учун кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлардан беҳад мамнунмиз.

Қишлоқларда бунёд этилаётган янги уйлар, турар жой массивлари одамларнинг турмуш тарзи, дунёқарашини тубдан ўзгартириб, уларда Ватанга муҳаббат, эртанги кунга ишонч туйғусини мустаҳкамламоқда.

Юксак эътибор намунаси

Каратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони Аҳроржон Саминжонов учун 2015 йил янада омадли келди. Унинг оиласига Учкўприк туманида бунёд этилган «Камолот» уйларида икки хонали уй имтиёзли кредит асосида берилди. Ҳа, бу унинг эришган ютуқларига муносиб рағбат бўлди. Бугун турмуш ўртоғи Намунаҳон ва ота-оналарининг қувончи чексиз.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб бориладиган кучли ижтимоий сиёсат мустақил давлатимизнинг энг муҳим тамойилларидан биридир. Кексаларни эъзозлаш йилида бу борадаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Жамиятнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда, биринчи навбатда ёш оилаларнинг ўз турар жойига эга бўлишида амалий ёрдам кўрсатиш учун уларга имтиёзли ипотека кредитлари бериш тизими жорий этилди. Шунингдек, яқка тартибдаги уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва уй-жой ёки кўп қаватли уйдан квартира сотиб олиш учун ипотека кредити олувчи ёш оилалар аъзоларининг даромадларига солиқ имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида 2014 йилда Фарғона ва Қувасой шаҳарларида «Камолот» уйлари бунёд этилиб, ёш оилаларга берилди.

Учкўприк ва Тошлоқ туманларида бир гуруҳ ёш оилаларга янги уйлارнинг калитлари топширилиши ҳам ана шу эзгу ишларнинг узвий давоми бўлди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган кўп қаватли уйларда барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Тошлоқ туманидаги 55 ёш оилага мўжалланган «Камолот» уйидан турар жой олганлар орасида Равшан Мадрахимов ҳам бор. Унга тўрт хонали уйнинг калити топширилди.

– Биз, ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимиздан миннатдоримиз, – дейди Равшан. – Албатта, бу ишончнинг ўз билимимиз ва меҳнатимиз билан оқлаб, юрт тараққиётига муносиб ҳисса қўшамиз.

DOLZARB SHARH

Банкларда очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритилди

«Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага киритилган 9-сон ўзгартиришлар ва қўшимчага шарҳ



Мавлон МАРПАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Бухгалтерия ҳисоби,
ҳисоботи ва давлат
бюджети касса ижроси
департаменти директори
ўринбосари, и.ф.н.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида мижоз (резидент ва норезидент)ларга банк ҳисобварақлари очиш, ҳисобвараққа вақтинча банд қўйиш, уни қайта расмийлаштириш ва беркитиш «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) талаблари асосида тартибга солинади.

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» ва «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сонли қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари ёки улар билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилса, албатта, 1948-сонли йўриқномага ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти туғилади. Хусусан, республикамиз раҳбарияти томонидан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун янги қулайликлар ва имтиёзлар яратиш мақсадида кўплаб янги қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда ва амалдаги қонун ҳужжатларига эса мунтазам равишда тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб борилмоқда. Масалан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада энгиллаштириш ва харажатларини камайтириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил

12 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1529-сонли Қарорига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сонли қарорига мувофиқ, 2011 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган

тадбиркорлик субъектларининг банк ҳисобварақлари очиш учун тақдим қилинадиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчанинг нотариал тасдиқланиши бекор қилинганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 28 июлдаги 22/1-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқноманинг 12, 14, 32, 33, ва 38-бандларига имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчанинг нотариал тасдиқлашга доир қисми тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмаслиги тўғрисида нормалар киритилди.

Лекин банкларнинг тадбиркорлик субъекти бўлмаган мижозлари (нодавлат ноижорат ташкилотлар, бюджетдан маблағ олувчи ва бошқа давлат ташкилотлари), шунингдек, норезидент юридик шахслар (иммунитет

Йўриқноманинг 13, 14 ва 16-бандларининг «в» кичик бандидаги ҳамда 38-банддаги «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар, шунингдек, 32-банднинг «нотариал тасдиқлаш» билан боғлиқ бўлган биринчи хатбошиси ҳамда касаба уюшмалари бирламчи ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча уларнинг юқори турувчи касаба уюшмалари бирламчиси томонидан тасдиқланиши белгиланган иккинчи хатбошиси чиқариб ташланди.

таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинди (хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно).

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 23 июлдаги 22/3-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва Адлия вазирлигида 2011 йил 18 августда 1948-5-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармони билан

ҳамда дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган чет эл дипломатия ва бошқа расмий ваколатхоналари, халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари, шунингдек, хорижий ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти билан шуғулланмайдиган ваколатхоналари), шунингдек, норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасида қонунчилик билан белгиланган тартибда фаолият юритаётган доимий муассасаларига нисбатан имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчанинг нотариал тасдиқлашга доир қисми ҳамда касаба уюшмалари бирламчи ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча уларнинг юқори турувчи касаба уюшмалари бирламчиси томонидан тасдиқланиши талаби ўзгаришсиз қолдирилган эди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юқорида қайд этилган ташкилотларнинг вазирлик ва идораларидан 1948-сонли йўриқномадаги мазкур қонданнинг ҳуқуқий асосларини сўраб кўплаб мурожаатлар келиб туша бошлади. Ўз ўрнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан келишган ҳолда тадбиркорлик субъекти бўлмаган мижозлар томонидан банкка ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинадиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчанинг тасдиқлашга оид қоидалари Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда ўрнатилган талабларига мослаштирилиши лозим деб топилди. Маълумки, мазкур Қонунинг 8-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ раҳбар имзоланган ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга – раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига – бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар кирилади. Бинобарин, банкка ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинадиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча ҳам раҳбар томонидан тасдиқланиши лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2014 йил 30 декабрдаги 47/10-сонли қарори билан «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага тегишли ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди ва Адлия вазирлигида 2015 йил 9 февралда 1948-9-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Ушбу ўзгартиришлар ва қўшимчага мувофиқ, йўриқноманинг 13, 14 ва 16-бандларининг «в» кичик бандидаги ҳамда 38-банддаги «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар, шунингдек, 32-банднинг «нотариал тасдиқлаш» билан боғлиқ бўлган биринчи хатбошиси ҳамда касаба уюшмалари бирламчи ташкилотлари томонидан тақдим этиладиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча уларнинг юқори турувчи касаба уюшмалари бирламчиси томонидан тас-

диқланиши белгиланган иккинчи хатбошиси чиқариб ташланди. Натижада банкнинг барча мижозлари томонидан банкка ҳисобварақ очиш учун тақдим қилинадиган имзо намуналари ва муҳр изи қўйилган варақчанинг тасдиқланишига нисбатан бир хил талаб, яъни уларни раҳбар томонидан тасдиқлаш қоидаси ўрнатилди. Мазкур йўриқноманинг 3-илоvasи ушбу ўзгартиришлар ва қўшимча талабларига мос янги иловага алмаштирилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 17 ноябрдаги «Мулкчилик ва хўжалик юрителигининг барча шаклларидаги корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестри тўғрисида»ги 555-сонли қарорининг 4-бандига мувофиқ, янгидан ташкил этилган хўжалик объектларига ҳисоб-китоб счетлари очиш банк муассасалари томонидан статистика органининг унинг корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида гувоҳномаси бўлган тақдирдагина амалга оширилиши белгиланган эди. Шу сабабли 1948-сонли йўриқнома 13-бандининг «в» кичик бандида тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан миллий валютада талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тақдим қилиниши бўйича норма ўрнатилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 25 сентябрдаги 274-сонли қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг 555-сонли қарори ўз кучини йўқотган. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмининг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 312-сонли қарорига асосан «Юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификация қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими «Reg-System»да ишлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома (рўйхат рақами 2594, 2014 йил, 12 июнь) тасдиқланган. Юқоридаги қонун ҳужжатларида

DOLZARB SHARH

янгидан ташкил этилган хўжалик объектларига ҳисобварақлар очиш банклар томонидан статистика органининг унинг корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат реестрига киритилганлиги тўғрисида гувоҳномаси тақдим қилиш кўзда тутилмаган. Шу муносабат билан тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан

ни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 24-сонли қарорига мувофиқ, юридик шахсларга бир нечта банкда банк ҳисобварақларини очиш ҳуқуқи берилган. Кейинчалик юридик ва жисмоний шахсларга, хусусан, тадбиркорлик субъектларига ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш учун банкларни мустақил равишда танлаш ҳамда бир ёки бир

моқда) мижознинг 2-сонли картотекаси мавжуд ҳолларда унинг асосий ҳисобварақидан юқоридаги мақсадлар учун маблағлар берилиши тақиқланган. Натижада ушбу ҳолат Ҳукуматнинг муҳим тадбирларини ўз вақтида амалга оширишга халақит бермоқда ҳамда чет эл инвесторларининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини

рисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1078, 2001 йил 6 ноябрь) каби норматив ҳужжатларни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Ўз ўрнида банклар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини яхши ўрганишлари ва уларга қатъий риоя қилишлари лозим эканлигини эслатиб ўтишга мажбурмиз.

Юқорида қайд этилганидек, 1948-сонли Йўриқнома Ўзбекистон Республикасида мижозларга банк ҳисобварақларига вақтинча банд қўйиш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Хусусан, мазкур ҳужжатнинг 46-банди айнан мана шу талабларни тартибга солувчи нормалардан иборат. Лекин мижознинг банк ҳисобварағи бўйича операцияларни вақтинча тўхтатиб қўйиш юзасидан банкларда турлича ёндашувлар пайдо бўлди.

Албатта, мазкур қоида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 294-моддаси тўртинчи хатбоши ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни 16-моддасида ҳам мавжуд эди. Ҳатто, бу масала муҳокамаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ва

«Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар фақат чиқим қисмида тўхтатилади.», – мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилди.

Мантиқан олиб қаралганда ҳам мижознинг ўзи ёки ваколатли орган томонидан мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳисобварақнинг дебет қисмига нисбатан қўлланилиши лозим. Зеро, бухгалтерия ҳисоби қоидаларига мувофиқ, мижоз томонидан амалга оширилаётган барча операциялар банк ҳисобварағининг дебет қисмида акс эттирилади. Унинг кредит томонига келиб тушган маблағлари бўйича бажарилган операциялар (мижознинг топшириғи бўйича унинг бир ҳисобварағидан иккинчи ҳисобварағига маблағ ўтказиш бўйича бажарилган операциялар бундан мустасно) мижознинг корреспондентига тегишлидир. Демак, банк ҳисобварағининг кредит қисми тўхтатиб қўйиш мижоз корреспонденти фаолиятини тўхтатиб қўйиш билан баробардир. Бундай қилиш мумкин эмаслиги ўз ўзидан равшан. Энди эса, бундай операцияларга қонуний чек қўйилди.

Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимчада Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Банклар 2594-сонли Йўриқноманинг 22-бандида белгиланганидек, бевосита Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида реал вақт режимида, сўралаётган юридик шахснинг Корхона, ташкилотнинг асосий коддини (КТУТ) ёки Солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) киритиб, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестридан (КТЯДР) юридик шахс тўғрисидаги ахборотни олишлари мумкин. Мазкур тизимнинг кечаю кундуз ишлаши Давлат статистика қўмитаси томонидан таъминланади.

маблағ олувчилар томонидан миллий валютада талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тақдим қилиниши бўйича норма 1948-сонли Йўриқнома 13-бандининг «в» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилди.

Ўз ўрнида ҳақли савол туғилади! Банклар мижозларга ҳисобварақ очишда «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1863, 2008 йил 27 сентябрь) ва Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига (рўйхат рақами 2528, 2013 йил 21 ноябрь) кўра мижозни идентификация қилиш учун зарур бўлган маълумотларни қаердан олади?

Банклар 2594-сонли Йўриқноманинг 22-бандида белгиланганидек, бевосита Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида реал вақт режимида, сўралаётган юридик шахснинг Корхона, ташкилотнинг асосий коддини (КТУТ) ёки Солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) киритиб, Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат реестридан (КТЯДР) юридик шахс тўғрисидаги ахборотни олишлари мумкин. Мазкур тизимнинг кечаю кундуз ишлаши Давлат статистика қўмитаси томонидан таъминланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 январдаги «Банк тизими-

неча банкларда банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқи бўйича талаблар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 775-моддасида ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Қонунининг 31-моддасида ўз аксини топган.

Юқоридаги қонун ҳужжатлари талабларини амалиётга татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Хўжалик юритувчи субъектларга бир нечта банкда ҳисоб рақамлар очиш ва улардан тўловларни амалга ошириш тартиби» (рўйхат рақами 864, 2000 йил 5 январь) ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжатнинг 3-бандида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар юридик шахснинг асосий талаб қилиб олинган депозит ҳисобварағидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган. Айнан шундай норма 1948-сонли Йўриқноманинг 2-банднинг саккизинчи хатбошида ҳам мавжудлиги ҳаммага маълум. Шунингдек, мазкур талаб бюджет интизомини мустаҳкамлаш ва пул муомаласини тартибга солиш мақсадида ўрнатилганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Лекин айрим қонун ҳужжатларида Ҳукумат томонидан амалга оширилиши лозим бўлган муҳим тадбирлар учун ажратилган марказлашган маблағлар, шунингдек, халқаро шартномалар асосида жалб қилинган чет эл инвестициясидан фойдаланиш учун очилган махсус ҳисобварақлардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бугунги кундаги ўрнатилган амалдаги тартибга асосан (2342-сонли Йўриқнома назарда тутил-

олиш мақсадида 1948-сонли Йўриқноманинг 2-банди саккизинчи хатбоши куйидаги тахрирда баён этилди: «Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар юридик шахснинг асосий ҳисобварағидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.»

Мазкур ўзгаришга биноан қонун ҳужжатларига мувофиқ банк томонидан мижознинг асосий ҳисобварағидан ташқари бошқа ҳисобварақларидан ҳам иш ҳақи берили-

Амалиётда мижоз томонидан ҳам, ваколатли органлар томонидан ҳам мижоз ҳисобварағининг кредит қисми бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Мана шундай ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни амалиётда турлича қўллаш натижасида юзага келган айрим тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида Йўриқноманинг 46-банди: «Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операциялар фақат чиқим қисмида тўхтатилади.», – мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилди.

ши бўйича ҳуқуқий асос яратилди. Ўйлаймизки, бу янги норманинг амалга жорий этилиши банк ходимларини асоссиз равишда жавобгарликка тортиш ҳолатларининг олдини олишга ёрдам беради. Бунга мақсадли маблағлар тақсимоли бўйича алоҳида тартибларда иштирок этадиган «Ўзбекнефтегаз» МХК корхоналари ва ташкилотлари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш ва уларга «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг ҳудудий газ таъминоти корхоналаридан тушадиган тўловлари тўғрисида»ги Низом (рўйхат рақами 1441, 2005 йил 14 январь), «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК корхоналари ҳисоб рақамларидан тўловларни амалга ошириш тўғрисида»ги Низомга (рўйхат рақами 1088, 2001 йил 27 ноябрь), «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш тўғ-

Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 12/149-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни тақомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги Қарорининг 15.2-бандида ҳам қайд этилган. Аммо, шунга қарамастан амалиётда мижоз томонидан ҳам, ваколатли органлар томонидан ҳам мижоз ҳисобварағининг кредит қисми бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ҳолатлари тез-тез учраб турибди. Мана шундай ноқонуний ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни амалиётда турлича қўллаш натижасида юзага келган айрим тушунмовчиликларга барҳам бериш мақсадида Йўриқноманинг 46-банди:

2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2085-сонли Қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 январдаги 5-сонли қарори билан тасдиқланган «Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари ҳам инобатга олинган. Хусусан, 1948-сонли Йўриқноманинг 41-бандидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари тугатиш комиссиясининг тугатиш комиссияси раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари намуналари қўйилган варақчада бош бухгалтернинг имзоси талаб этилмаслиги ҳамда 49-банднинг биринчи хатбошида белгиланган нормалар ННТга татбиқ этилмаслигини таъминловчи ўзгартиришлар киритилди.

IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

Ўзбекистон автосаноатининг янги уфқлари

Президентимиз Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Маърузада ўтган йил якунлари сарҳисоб қилинар экан, биринчи навбатда иқтисодиётимизни янада ривожлантириш, айниқса, мамлакатимизда ўзимизнинг шароитимиздан келиб чиққан ҳолда юртимиз сармоядорлари билан бир қаторда чет эллик инвесторлар акцияларига эга бўлган мулкчилик шакли ўзини оқлаётганлиги алоҳида таъкидланди. Бу эса мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот, хусусан, sanoat ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора ошишига имкон яратмоқда.

Жумладан, ўтган йилда ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, sanoat ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга ўсди. Ис-

теъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 9,4 фоизни ташкил этди.

Маърузада кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари замонавий юксак технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланаётганлиги, йирик-йирик объектлар фойдаланишга топширилаётганлиги қайд этиб ўтилди.

Айниқса, шу йилнинг ўзида йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси» масъулияти чекланган жамияти базасида «Дамас» ва «Орландо» русумидаги энгил автомобиллар ишлаб

чиқаришнинг ташкил этилиши тармоқ ходими сифатида мени жуда қувонтирди. Демак, бу Ўзбекистон яқин йиллар ичида автомобиль ишлаб чиқарадиган мамлакатлар орасида етакчи ўринга чиқиб олиши мумкинлигини кўрсатади.

Бизнинг «JV MAN Auto-Uzbekistan» кўшма корхонамиз ҳам ўтган давр мобайнида мамлакатимиз автомобилсозлик sanoati тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Агар кўшма корхонамиз дастлабки йилларда дилерлик ва сервис хизмати ишларини амалга оширган бўлса, 2012 йилдаёқ янги корхона «MAN» русумли жа-



хон талабларига жавоб берадиган оғир юк кўтарадиган машиналар ишлаб чиқара бошлади. Ҳозирги кунга келиб корхонамиз йилига 3 минг дона 15 тоннадан 45 тоннагача юк кўтара оладиган қудратли машиналар

тайёрлаш қувватига эга. Айни кунда корхонада 600 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан 46 турдаги оғир юк кўтара оладиган машиналар ишлаб чиқарилиб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорга сотилмоқда.

Раҳим ТУГИЛОВ,

«JV MAN Auto-Uzbekistan» АЖ Ўзбекистон — Германия кўшма корхонасининг бош муҳандиси («Туркистон-пресс» НАО).



Кредит рейтинги — барқарор

«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлиги томонидан сўнгги 3 йил давомида «Sifco International» кредит рейтинги миллий шкала бўйича «барқарор» прогнози билан «uzA+» даражасигача оширилди. Мазкур рейтинг лизинг компанияси барқарор бозор мавқеи ва бренди кенг танилишини, юксак молиявий натижаларини, шунингдек, капитал адекватлиги юқори даражада эканлигини акс эттиради.

«Sifco International» МЧЖнинг «uzA+» даражасидаги рейтинг эмитент кредитга қобилиятлигининг жуда юқори даражада эканлигини англатиб, фаолиятида кредит хатари жуда куйи даражада эканлигини акс эттиради. «uzA+» рейтинг соҳиби республикадаги бошқа эмитентларга нисбатан кредиторлар, депозиторлар ва инвесторлар олдидаги молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўла бажариш учун юқори салоҳиятга эгаллиги билан тавсифланади.

Чунончи, 2012-2014 йиллар давомида «Sifco International» жами активлари ўртача 42,69 фоизга ошди ва 2014 йил якунларига кўра 25,7 млрд. сўмга етди (1-диаграмма).



Лизинг компаниясининг 3 йил давомидаги фаолияти таҳлили натижаларига кўра, «Ahbor-Reyting» РА компания харажатлари ўсишига нисбатан даромадларининг сезиларли даражада илдамроқ ўсиши компания фойда кўришига ижобий таъсир кўрсатганлигини қайд этди. Бунда диаграммадан кўриниб турганидек, компания ишчанлик қобилияти коэффициентлари мустаҳкам ўрин олиб, соф фойда ўсишига ҳам таъсир кўрсат-

ди. Чунончи, 2012-2013 йиллар давомида «Sifco International» соф фойдаси ўртача 53,28 фоизга ошиб, 2014 йил якунларига кўра 3,6 млрд. сўмни ташкил этди (2-диаграмма).



«Ahbor-Reyting» РА ўтказган «Sifco International» МЧЖ капитал базаси таҳлили уч йил давомида лизинг компанияси устав капитали 2 баравардан ортиқ ошганини кўрсатди. Шуни қайд этиш лозимки, лизинг компанияси капитал базасининг таъминланганлиги кўрсаткичлари мақбул деб баҳоланмоқда. Бунда 2014 йил якунларига кўра, хусусий капиталнинг лизинг портфелига нисбати (ёки умумий капитал етарли-



лиги) 138,17 фоизни ташкил этди, бу Базель кўмитаси нормативидан (10 фоиз) анча юқори (3-диаграмма).

Чунончи, 3 йилда «Sifco International» лизинг портфелининг ўртача ўсиши 50,64 фоизни ташкил этди. Бунда лизинг портфелининг банклар кредитларига нисбати 2014 йил якунларига кўра 496,49 фоизни ташкил этди, бу компания асосан ўз захираларидан фойдаланишдан гувоҳлик беради (лизинг портфелининг 79,86 фоизи ўз маблағлари ҳисобига расмийлаштирилган) (4-диаграмма). Бунда лизинг компанияси «Трастбанк» ХАББ, «Асака» ДАТБ кредитларидан фойдаланиши, шу билан бирга, ижобий кредит тарихига эгаллиги қайд этилди.

5-диаграммадан кўринишича, компания соф фойдаси ўсишининг илгариларидан суръатлари активлар ва хусусий капитал ўсиши билан солиштирилганда рентабеллик кўрсаткичлари мустаҳкамлишига таъсир этган. Шу билан бирга, шуни қайд этиш лозимки, кўриб чиқилган даврларда харажат қилинган ҳар бир сўмнинг қайтарилиши барқарор равишда ўсган. Чунончи, харажат қилинган ҳар бир сўмнинг қайтарилиши 2014 йил якунларига кўра, 2 сўм 39 тийинни ташкил этиб, 3 йилда 10,93 фоизга ошди. Лизинг битимлари айлануви узоқ муддатли бўлганда келгусида мазкур кўрсаткич янада яхшиланиш тамойилига эга.

Сўнгги 3 йил давомидаги «Sifco International» фаолияти таҳлили натижаларига кўра, компания лизинг битимлари ҳажми анча ўсганини алоҳида қайд этиш зарур. Лизинг



битимлари ҳажми 2012 йил билан солиштирилганда 2 баравардан ортиқ ўсган, бу лизинг хизматлари бозоридида «Sifco International» бозордаги



позицияси мустаҳкамлишига имкон берди. Чунончи, Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмасининг маълумотларига асосан, 2014 йил якун-



ларига кўра, «Sifco International» лизинг битимлари ҳажми бўйича лизинг компаниялари орасида 5-ўринга кўтарилди.

ТАНЛИЛ

Ўзбекистонда кичик бизнес ривожини — 2014 йил якунлари

2014 йилда мамлакатимизда қулай тадбиркорлик муҳити ва инвестиция иқлимини яратиш, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва амалга ошириш учун ортиқча бюрократик ва маъмурий таомилларни йўқ қилиш иши давом эттирилди.

Мулкни рўйхатдан ўтказиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шугулланишга лицензия бериш, қурилишга рухсатномалар олиш, электр таъминоти тармоқларига уланиш чоғида «бир дарча» қондаси кенг миқёсда жорий этилмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиши механизми сезиларли даражада соддалаштирилди. Айни пайтда 98 фоизгача тадбиркорлик субъектлари электрон шаклда солиқ ва статистика ҳисоботларини топширмоқда, божхона декларацияларини расмийлаштирмоқда. 2015 йил 1 январдан бошлаб барча юридик шахслар ушбу ҳисоботларни фақат электрон кўринишда тақдим этишлари шарт.

Енгил саноат, озиқ-овқат саноати ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш сингари саноатнинг кўп меҳнат талаб қилувчи соҳаларида кичик бизнес ривожланишини рағбатлантириш чора-тадбирлари тизимида ходимлар чекланган сонининг 100 кишидан 200 кишигача оширилиши муҳим ечим бўлди.

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё захираларидан, аввало, биржа ва ярмарка савдоларида улар реализациясининг ҳажмини ошириш ҳисобига фойдаланиши учун кенгроқ йўл очилди. Чунончи, 2014 йилда улар Республика товар-хонасида қарийб 3 трлн. сўмлик ёки 2013 йилдагига қараганда 1,6 баравар кўп хомашё ва материаллар харид қилдилар. Шу билан бирга, улар биржа савдолари орқали 1 трлн. 500 млрд. сўмлик ҳажмда ёки ўтган йилга нисбатан 1,7 баравар ортиқ ҳажмда ўз маҳсулотларини сотдилар.

Ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қабул қилинган чора-тадбирлар натижасида, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан ортди, бу 2000 йил билан солиштирилганда 2 баравар кўпдир.


Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши динамикаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2014 йил январь-декабрь ойларида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 56,1 фоизга етди



ва 2013 йилги кўрсаткич (55,8 фоиз) билан солиштирилганда 0,3 фоизли бандга юқорилади. Кичик бизнеснинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши изчил ўсиб бормоқда: агар 2010 йил январь-декабрь ойларида у 52,2 фоизга тенг бўлган бўлса, кўриб чиқилган даврда 3,9 фоизли бандга юқори бўлди. Мазкур ижобий таъмир йил ЯИМ ўсиши билан бирга юз бермоқда, бунда 2014 йил январь-декабрь ойларидаги ЯИМ ҳажми 2010 йил январь-декабрь ойларидаги ҳажмдан 36,8 фоизга кўпдир.

Иқтисодий тармоқларидаги кичик бизнес



1-жадвал.

Кичик бизнес маҳсулоти ҳажми, 2014 йил январь-декабрь ойларида

	Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) ҳажми, млрд. сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) ҳажмида хусусий секторнинг улуши, фоизда
Саноат	23967,2	34,5
Қишлоқ хўжалиги	36314,9	100
Қурилиш	13896,9	69,0
Чакана савдо айланмаси	26609,1	65,9
Пуллик хизматлар	11004,3	89,1
Юкларни ташиш, млн. тн	644,5	69,7
Йўловчиларни ташиш, млн. йўловчи	6187,1	92,8
Экспорт, млн. АҚШ доллари	3661,9	3,3
Импорт, млн. АҚШ доллари	6328,6	16,0

Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши ўсишини унинг иқтисодий тармоқларидаги улуши ўсиши тақозо этди. Хусусан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришда кичик бизнес улуши 31,1 фоизгача (2013 йил январь-декабрь ойларида 28,1 фоиз), пуллик хизматларда – 48,5 фоизгача (46,7 фоиз), асосий капиталга инвестицияларда – 34,8 фоизгача (33,5 фоиз) ўсди. Кичик бизнесда банд бўлганлар улуши иқтисодий тармоқларида банд бўлган барча шахсларнинг 77,2 фоизини ташкил этди (2013 йил январь-декабрь ойларида – 76,7 фоиз).

Кичик бизнеснинг минтақалар ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши

Республикаимизнинг барча минтақаларида кичик бизнеснинг ялпи минтақавий маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқаришдаги улуши ошди. Кичик бизнеснинг энг юқори улушлари Самарқанд (77,4 фоиз), Жиззах (79,9 фоиз), Сурхондарё (74,5 фоиз) ва Наманган (79,7 фоиз) вилоятларида кузатилди.



Кичик бизнесда банд бўлганлар сони

2014 йил январь-декабрь ойларида кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сони 9897,5 минг кишини ёки республика иқтисодий тармоқларида банд бўлган барча шахсларнинг 77,2 фоизини ташкил этади. Мазкур кўрсаткич ўтган йилги кўрсаткичдан 377,9 минг кишига кўпдир (2013 йил январь-декабрь ойларида кичик бизнесда банд бўлганлар сони 9519,6 минг кишини ташкил этди).

2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ёки ҳар иккинчи иш ўрни яратилди.

Кичик бизнесда ишлаётган 9897,5 минг кишидан 2317,2 минг киши кичик корхоналар ва микрофирмаларда, 7580,3 минг кишидан ортиғи – яқка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида банд.

Кичик бизнес ва ташқи савдо

2014 йил январь-декабрь ойларида кичик бизнес экспорти ҳажми 3661,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва республика экспорти умумий ҳажмида унинг улуши 26,0 фоизгача ўсди (2013 йил январь-декабрь ойларида 24,1 фоиз). Кичик бизнес импорти ҳажми 6328,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди ва унинг улуши 45,3 фоиз бўлди (2013 йилнинг худди шу даврида 42,4 фоиз).

Кичик бизнесда бандлик даражаси, минг киши


	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.
Кичик тадбиркорликда банд бўлганлар сони	8 913,5	9 252,9	9 519,6	9 897,5
Шундан:				
Кичик корхоналар ва микрофирмаларда банд бўлганлар сони	2 338,4	2 401,1	2 301,5	2 317,2
Яқка тартибда банд бўлганлар сони	6 575,1	6 851,8	7 218,1	7 580,3
Кичик бизнесда банд бўлганлар сони, иқтисодий тармоқларида банд бўлганлар умумий сони билан солиштирилганда, фоизда	75,1	75,6	76,7	77,2

2-жадвал.



Кичик бизнесга кредитлар динамикаси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотларига кўра, кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2015 йил 1 январь ҳолатига 9,2 трлн. сўмни ташкил этди (ЯИМга нисбатан 6,4 фоиз), бу кўрсаткич 2013 йилнинг худди шу даври билан солиштирилганда 33,3 фоизга ўсди. Микрокредитлаш ўсиши кузатилмоқда, унинг ҳажми 1,9 трлн. сўмлик кўрсаткичдан ошди. Мазкур кўрсаткич ҳам 2013 йилнинг тегишли давридаги кўрсаткич билан солиштирилганда 1,4 бараварга ортган.



Сўнгги беш йил мобайнида кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баравар ошди.





Тижорат банклари тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Тадбиркор аёлларга ажратилган кредит маблағлари ҳажми ўтган йилнинг шу даври билан солиштирилганда 1,4 баравар ошиб, 960,2 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди.

Банклар ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этишга, шунингдек, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда. Хусусан, мазкур йўналиш бўйича 200,9 млрд. сўм ҳажмида кредит захиралари ажратилди, бу 2013 йил билан солиштирилганда 1,4 баравар кўпдир.

STATISTIKA

ЎЗРТХБ фаолияти якунлари тўғрисида маълумот

	2013 йил 1 январь ҳолатига	2014 йил 1 январь ҳолатига	2015 йил 1 январь ҳолатига	фоизда
ЎЗРТХБ битимларининг умумий ҳажми, млрд. сўмда	5 760,6	7 151,6	8 881,0	124,2
Биржа савдоларидаги битимлар ҳажми, млрд. сўмда	4 979,5	5 979,10	7 052,2	117,9
шундан: юқори нархланган маҳсулотлар (ПКМ №57) млрд. сўмда	4 231,1	5 129,80	6 111,00	119,1
биржа савдоларининг ЎЗРТХБ битимлари умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	86,4	83,6	79,4	
юқори нархланган маҳсулотларнинг ЎЗРТХБ битимлари умумий ҳажмидаги улуши, фоизда	73,4	71,7	68,8	
биржа савдоларида иштирок этувчи ишлаб чиқарувчиларнинг қўшимча даромадлари ҳақида маълумот, млрд. сўмда	1 794,9	2 241,6	2 800,4	124,9
КБ ва ХТ субъектлари томонидан сотиб олинган маҳсулотлар, млрд. сўмда	2 299,7	2 681,7	4 262,7	159,0
КБ ва ХТ субъектлари томонидан сотиб олинган маҳсулотларнинг маҳсулотлар умумий реализациясидаги улуши, фоизда	39,9	37,5	48,0	
КБ ва ХТ субъектлари томонидан реализация қилинган маҳсулотлар, млрд. сўмда	761,7	925,7	1 648,8	178,1
КБ ва ХТ субъектлари томонидан реализация қилинган маҳсулотларнинг маҳсулотлар умумий реализациясидаги улуши, фоизда	13,2	12,9	18,6	
Кўргазма-ярмарка савдоларидаги битимлар ҳажми, млрд. сўмда	433,2	693,9	1 007,8	145,2
Экспорт, млрд. сўмда	273,3	328,1	380,8	116,1
Давлат харидлари бўйича битимлар ҳажми, млрд. сўмда	347,9	416,8	470,6	112,9
бюджет маблағларини тежаш, млрд. сўмда	81,4	83,0	117,4	141,4
бюджет маблағларини бошланғич нархга нисбатан тежаш, фоизда	19,0	16,6	20,0	
маҳсулот етказиб берувчи (иш, хизмат), донда	9 028	10 528	32 181	305,7
жумладан: кичик бизнес субъектлари, донда	7 675	8 745	29 786	340,6
кичик бизнес субъектларининг маҳсулот етказиб берувчилар умумий миқдоридagi улуши, фоизда	85,0	83,1	92,6	
битимлар ўртача нархи, минг сўмда	1 197,3	1 668,6	1 794,0	107,5
Корпоратив харидлар бўйича битимлар ҳажми, млрд. сўмда		61,8	350,4	-
пул маблағларини тежаш, млрд. сўмда		10,6	64,1	-
пул маблағларини бошланғич нархга нисбатан тежаш, фоизда		14,7	15,5	
битимлар ўртача нархи, минг сўмда		20 295,9	20 761,5	102,3



Ахборот ва статистика бўлими томонидан ЎЗРТХБ (www.uzex.uz) материаллари асосида тайёрланди.

Биржа ва ярмарка савдолари

Қашқадарё вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси вилоят филиалида ўтган йили 279,7 млрд. сўмлик хомашё ва материаллар савдоси амалга оширилди. Унинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хиссасига тўғри келмоқда.

Интернет орқали исталган жойда туриб биржа битимлари, ҳисоб-китоб амалларини бажариш имконини берувчи савдо ва тўлов тизимининг янги авлоди ривожланиб бораётгани эътиборлидир.

– Давлатимиз раҳбари-

Президентимизнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти, биринчи навбатда, бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилгани алоҳида таъкидланди.

нинг 2011 йил 7 февралдаги «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида шаҳар ва туманларда Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасининг савдо майдонлари ташкил этилди, – дейди Республика товар-хо-

машё биржасининг вилоят филиали директори Санжар Эргашев. – Вилоят бўйича 67 брокерлик идораси мавжуд бўлиб, унинг 43 таси филиалимизда, қолгани жойлардаги ўн битта савдо майдонида фаолият олиб бормоқда.

Замонавий электрон тўлов тизими бўлган iрау ва uezex.com савдо платфор-


маларининг ишга туширилиши ярмарка савдоларининг тўлақонли, тезкор ўтишини таъминлаш, савдога қўйилган товарларнинг барча сифат кўрсаткичларини тўла ифодалаш имкониятини янада кенгайтди. Бу эса тўлов талаблари кафолатланган ишончли савдо тизими сифатида ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда

харидорлар иштирокини кўпайтириш, савдолардаги умумий маҳсулотлар айланмасининг кескин ўсишига хизмат қилаётир.

Ўтган йили филиал биржа савдоларида 75 минг 267 тонна ун, 9 минг 437 тонна ўсимлик ёғи ҳамда 3 минг 870 тонна шакар олди-сотди битимлари бажарилган. Шунингдек, шаҳар ва туманларда ташкил этилган омихта-ем, шрот ва шелуха сотиш биржа савдоларида юз минг тоннага яқин маҳсулот сотилди. Ягона электрон биржа савдолари орқали 555 млрд. 609 млн. сўмлик юқори ликвидли маҳсулотлар олди-сотди битими амалга оширилди.

ЎЗА материаллари асосида.

DUNYOGA NIGOH



Синовлар палласи

АҚШдаги барча йирик банклар янгидан инқирозга учраш эҳти-моли ортган тақдирда молиявий сиёсатини тўғри юритиш ва ўз фаолиятига аниқ баҳо бериш мақсадида сармоя етишига оид стресс-синовдан ўтишди.

Стресс-синовларнинг сценарийси бир неча йирик корпорациялар бир-данига банкротликни эълон қилишни назарда тутди, дея хабар қилади АҚШнинг Федерал захира тизими. Бундай ҳолат салбий оқибатларга олиб келиши лозим эди.

Синовдан ўтказилган 31 та банк сармоянинг етиши бўйича 5 фоизлик кўрсаткични қўлга киритди ва бу каби кўрсаткич вазият ёмон эмаслигидан далолатдир. Бироқ «Goldman Sachs», «JP Morgan» ва «Morgan Stanley» сингари йирик банклар томонидан қўлга киритилган натижалар кутилганидек бўлмади.

Келаси ҳафтада ФЗТ банк тизимини янада катта синовларга сабаб бўлувчи стресс-синовларнинг иккинчи босқичи натижасини эълон қилишни режалаштирмоқда.

Ушбу синовларнинг натижалари ФЗТнинг қатор банкларга дивиденд-

лар ҳажмини оширишга изн бериш ёки бермасликка таъсир кўрсатади.

Америка Марказий банки томонидан бу каби инқирозга қарши текширувлар 2008 йилдаги молиявий инқироздан буён ўтказиб келинади.



АҚШ иқтисодиёти қайта тикланиши учун маълум муддат талаб этилди. Иқтисодий ўсиш кузатилишига қарамай, ФЗТ ҳанузгача ҳисоб ставкасини ноль даражасида сақлаб қолмоқда.

«Royal Bank of Scotland» да қисқариш кутилмоқда

Буюк Британиянинг «Royal Bank of Scotland» (RBS) банки 2019 йилга қадар 14 мингга яқин ходимини ёки банк-сармоя бўлимининг 80 фоизини ишдан бўшатиши мумкин, дея ёзилди Financial Times нашрида.



Нашрнинг маълум қилишича, айтилган пайтларда RBSнинг банк-сармоя бўлинмасида 18 минг нафар ходим фаолият юритади. Қисқаришга тушувчи ишчиларнинг аниқ сони ёзилмаган бўлса-да, кутилаётган ўзгариш, айниқса, Осиё ва АҚШда ходимлари сони кўпчиликни ташкил қилувчи ушбу банкдаги ҳар беш мутахассиснинг тўртинчисига таъсир кўрсатади.

Айрим маълумотларга қараганда, ходимлар сафининг қисқариши банкнинг «Браун лойиҳаси» аталмиш қайта ташкиллаштиришга оид режаси асосида амалга оширилади. «Royal Bank of Scotland» вакили ушбу маълумотга изоҳ беришни истамади.

Ўтган ҳафтада RBS бошқа мамлакатларда фаолият юритаётган ўндан ортиқ бўлинмасини тугатишни режалаштиргани маълум бўлган. Ушбу молиявий муассаса Хитой, Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон ва Таиланд сингари давлатлардаги бизнесини босқичма-босқич сотувга қўйиш ёки тугатиш ниятида. Айтилган пайтда RBS Буюк Британия, АҚШ ва Сингапурдаги савдо операцияларини давом эттиришни мўлжалламоқда.


Олдинда муҳим муҳокама

Яқин кунларда Еврогурӯх навбатдаги мажлисга тўпланиб, яна бир бора Греция масаласини муҳокама қилиш ниятида. Муҳокама мавзуси Афинага ажратилган молиявий ёрдамнинг муддатини тўрт ойгача чўзиш билан боғлиқ бўлди.

Хусусан, Брюсселдаги Банк.рунинг ходимлари айтишича, еврохудоуд мамлакатлари молия вазирлари Греция томонидан ўтказилиши тақлиф этилаётган ислохотлар рўйхати билан танишиб чиқиб, муҳокама қилиши кутилмоқда. Ушбу ислохотлар лойиҳаси тасдиқланган тақдирда, Афинага навбатдаги молиявий транш ажратилишига оид қарор қабул қилиниши белгиланган. Келишув учун қолган муддат узоққа чўзилмаслиги лозим, сабаби мамлакатнинг нақд пул маблағи шу ойнинг охирига бориб тугаб қолиши эҳтимоли катта.

Греция ўз кредиторлари билан ислохотлар юзасидан бир тўхтамга келолса, мамлакат 1,8 млрд. евро миқдоридagi маблағ эгаси бўлиши мумкин. Бу умумий миқдори 240 млрд. евро ташкил қилувчи иккинчи дастур доирасидаги ёрдамнинг бир қисми ҳисобланади.

Германия молия вазирлари ўринбосари Штеффен Кампетернинг таъкидлашича, Еврогурӯхнинг ушбу йиғилишида Грецияга оид аниқ қарор қабул қилиниши даргумон. Сабаби вазирлар Греция томонидан тақлиф этилаётган ислохотларнинг олдиндан илова қилиниши лозим ҳисобланган молиявий ҳисоботларини кутишмоқда.



Инвесторлар ишончи энг юқори даражада

2007 йил августдан кейин илк бора еврохудоуд инвесторларининг Ишонч индекси шу йилнинг март ойида энг юқори натижани кўрсатди ва ундан аввалги ойдаги 12,4 пунктдан 18,6 пунктга кўтарилди, дейилади Sentix илмий гуруҳи баёнотида.

Ушбу кўрсаткичлар Dailyfx.com портали орқали ўтказилган сўровномада иштирок этган таҳлилчиларнинг башоратига нисбатан ижобий эканлигидан далолат. Улар индекс кўрсаткичи 15 пунктга етишини тахмин қилишганди.

– Еврохудоуд иқтисодиёти ижобий томонга ўзгарди. – дейди Sentix бошқарувчи директори Манфред Хюбнер. – Нефтнинг нархи тушиши ва заифлашган евро ҳам ушбу евро уюшмага таъсир кўрсатди.

Германия иқтисодиётига инвесторларнинг Ишонч индекси кўрсаткичи ҳам рекорд даражага етди ва февралдаги 35 пункт ўрнига 39,5 пунктни ташкил этди. Бу каби ўсишларнинг сабабини ЕМБ томонидан ев-

рохудоуднинг нимжон иқтисодиётини қўллаб-қувватлашга оид ўтказилган ислохотларга боғлашмоқда. Бу сингари саъй-ҳаракатлар ГФРнинг экспорт маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишга ҳам таъсир кўрсатди.

Инвесторларнинг Ишонч индексини аниқлайдиган Sentix илмий гуруҳи томонидан берилдиган ҳулоса инвесторларнинг маълум худуднинг иқтисодий истиқболга бўлган ишончини ўзида акс эттиради. Индекс кўрсаткичининг ортиши иқтисодиётдаги ижобий тенденциялардан далолат. Аксинча, ушбу натижанинг пасайиб кетиши еврохудоуднинг фонд бозори ҳолатига салбий таъсир кўрсатади.

Онлайн-савдо назорати кучаяди

– Хитой ҳукумати интернет-савдо тартиботини кескинлаштириш ниятида, – деди ХХР Давлат Кенгаши ҳузуридаги Савдо ва саноат Давлат бошқармаси раҳбари Чжан Мао.

Вакилнинг маълум қилишича, онлайн-савдо орқали катта миқдордаги контрафакт маҳсулотларнинг олди-сотдиси амалга оширилиши бу каби қарорга келишга сабаб бўлмоқда. «Интернет-бозорнинг савдо тизими ўз зиммасига асосий мажбуриятларни олиши лозим», – дейди Чжан Мао.

Бундан ташқари, Мао ушбу соҳада янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиши ва онлайн-дўконлар базаси ташкил этилиши режалаштирилаётганини маълум қилди.

Эслатиб ўтамай, шу йилнинг январь ойида интернетдаги савдо нуқталарининг текшируви натижаси эълон қилинган. Хитойнинг энг йирик онлайн-портали ҳисобланмиш «Таобао»нинг учдан икки маҳсулоти контрафакт эканлиги аниқланди. «Таобао»нинг бош компанияси саналган «Alibaba Group» ушбу ҳулосага қарши чиқди ва текширув чоғида маҳсулот танлашда номақбул йўлдан борилган, деган фикрни айтди.

XABARLAR, VOQEALAR

Шоҳистанинг йўлланмаси

Андижон вилояти Жалакудук туманида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркасида 27 корхона, ташкilot ва муассаса ўзининг мавжуд 230 бўш иш ўрни билан иштирок этди.



Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига устувор ва зифа сифатида доимий аҳамият қаратиб келинмоқда.



– Ярмаркада иштирок этган фуқароларнинг 98 нафарига ишга кириш учун йўлланма берилди, – дейди туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Садбирхон Мамитова. – Уларнинг 23 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларидир.

– Ўзимга муносиб иш тоганимдан хурсандман, – дейди Жалакудук агросаноат касб-хунар коллежи битирувчиси Шоҳиста Курбонова. – Ярмаркада кўплаб тенгдошларим ишга йўлланма олди. Бу мамлакатимизда биз, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидир.

ЎЗА.

«Баҳорий оҳанг»

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тасвирий санъат галереясида истеъдодли рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Флорида Гамбарова ижодига бағишлаб очилган кўргазма ана шундай номланди.

Ф.Гамбарова 1950 йилда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. 1967-1974 йилларда Тошкент театр ва рассомчилик олийгоҳида таҳсил олган. 1972 йилдан буён ижодкор республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда иштирок этиб, бугунги кунгача 20 дан ортиқ юқори даражали дипломларни қўлга киритган.

Рассом абстракт йўналишида, шоирона, эртақнома фантастик услубда ижод қилади. Ижодий изланишларида кўпроқ оқ рангдан фойдаланиб, уни софлик, самимийлик, ёрқин ва порлоқ келажак деб билади. Шунингдек, Ф.Гамбарова асарлари билан танишганда камалакнинг барча ранглари маҳорат билан қўллаганининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳақида мўйқалам соҳибаси шундай дейди: «Биз турли ҳис-туйғулар, муаммолар оламида яшаймиз. Шу сабабли мольберт олдида ўтиришдан аввал, биринчи навбатда, руҳимни тетиклаштирамиз. Зеро, матога туширилган тасвир ҳар бир муҳлис қалбидан жой олсин».

Ранг ва унинг турли оҳанглари инсонни доим ўзига жалб этиб келади. Рассом ҳам турли ранглардан

фойдаланганда ўзини сеҳргардек ҳис қилади. Оппок холстда турли ҳиссиётлар, гоаялар, рассомнинг орзулари, эртақ ва тасаввурлари олами яраллади. Бу олам реал ҳаётдан фарқ қилади. Унда «Эртақнома шаҳарлар», «Қувончли мамлакатлар», «Фантастик ўсимликлар» мавжуд. У ерларда «Юлдузли ёмғирлар», «Илик қорлар» ёғади, «Пушти ранг оқшомлар», «Гулсарли тунлар» бўлади.




ларига қувонч, оптимистик оҳанглари ҳаёти қилиб, уларнинг ҳаётга, яшашга бўлган интилишларини юксалтиришга ҳаракат қиламан, – дейди Ф.Гамбарова. – Бу дунё ҳар биримиз учун қувончли, қутилмаган ажойиб воқеа-ҳодисаларга бой бўлишини хоҳлайман.

Флорида Гамбарованинг қатор асарлари республика музейлари ва шахсий тўпламларида, шунингдек, Россия, Бельгия, Дания, Германия, Франция, Швейцария, Австралия, АҚШ, Канада, Япония, ва Хитойдаги шахсий тўпламларда сақланади.

Ижодкорнинг мазкур «Баҳорий оҳанг» дея номланган шахсий кўргазмаси жорий йилнинг 6 апрелига қадар давом этиб, унда рассомнинг 50 та асари намойиш этилмоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.



– Мен ўз ижодим билан тасвирий санъат ихлосманд-

Электрон ҳамён — қулай ва самарали

Навоий вилоятидаги савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар, банкомат ва инфокиосклар орқали амалга оширилган ҳисоб-китоблар ҳажми ўтган йил 1130,2 млрд. сўмдан ортиқни ташкил этди.

Давлатимиз томонидан тегишли қарорларнинг амалиётга изчил жорий этилиши натижасида республикада жаҳон андозаларига мос банк пластик карточкалари билан ҳисоб-китоб қилишнинг мукамал тизими яратилди.

Нақд пулсиз олди-сотди жараёнларининг тобора оммалашиб бораётганини муомаладаги пластик карточкалар ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган

терминаллар сонининг кескин ошаётганидан ҳам англаш мумкин.

– Бугунги кунда вилоятимиз банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 591 мингдан ортиқ, – дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Навоий вилояти бош бошқармаси бўлим бошлиғи Қандиёр Ҳосилов. – Савдо ва хизмат кўрсатиш, коммунал тўловларни қабул қилувчи шохобчаларга ва бошқа

объектларга ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони эса 7979 тага етказилди.

Республика Марказий банки бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «Тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ва аҳоли билан пул ҳисоб-китобларини амалга оширишда уларни қўллаш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида банк пластик карточкалари орқали тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминалларининг мавжудлиги ва улардан мажбурий равишда фойдаланиш устидан на-



зорат солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

«Туркистон-пресс» НАА.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ф. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-кават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун 234-43-18 телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102. Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмайди.

Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2063
Адади: 10225 нусха.
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табақда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 10.03.2015 й.